

Муфтий ҳазрат: Мазҳабга эргашмаганларга биродар сифатида насиҳатимиз! (2-қисм)



14:45 / 11.03.2023 1555

Муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ушбу мавзудаги чиқишлари давомида машҳур саҳоба Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг ижтиҳод қилиш (ҳукм чиқариш) бобидаги ҳозиржавобликлари Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни жуда ҳам хурсанд қилгани баён этилади.

Мужтаҳид уламолар Қуръон ва ҳадисга таяниб ижтиҳод қилганлари ҳамда бир вақтда барча зарур илмлар – тафсир, ҳадис, оятлар нозил бўлиш сабаблари, араб тили грамматикаси кабиларни пухта билганлари келтирилади.

Диёримизда асрлар давомида Ҳанафий мазҳабига амал қилингани, шунинг учун ўтмишда бундай ихтилофлар бўлмагани ҳақида сўз юритилади.

Ҳозирги кунда мазҳабни рад этадиган ёки тўртта мазҳабни қориштирадиганлар пайдо бўлаётгани афсус билан қайд этилади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида диёримиздаги мазҳабсизлик оқибатида нохушликлар содир бўлгани, бир масжид жамоасида келишмовчиликлар юзага келгани, шу боис ҳам, бир мазҳабга эргашиш шаръий ва ҳаётий зарурат экани жонли мисоллар билан ифода этилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати